

# АВТОТРАСПОРТ КОРХОНАСИДА ИШЧИЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Жабборов Дилшод Бахромович**  
**Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мақолада автотраспорт корхонасида ишчилар меҳнатини тақсимланиши тушунчасининг моҳияти талқин этилган ҳамда унинг амал қилиши тамойиллари ва рағбатлантириши усуллари ўрганилган. Меҳнатни тақсимлаш нуқтаи назаридан самарадорлигини ошириши бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч иборалар:** меҳнатни тақсимланиши, меҳнат интизоми тамойиллари, ижара ва жамоавий иш, таъмирлаш ишлари, меҳнат учун рағбатлантириши.

## CHARACTERISTICS OF ORGANIZATION OF LABOR IN THE AUTO TRANSPORT ENTERPRISE

**JABBOROV DILSHOD BAXROMOVICH**  
**Senior teacher of Jizzakh Polytechnic Institute**

**Annotation:** The article reveals the essence of the concept of the division of labor in the motor transport industry, its principles and methods of stimulation are explored. Scientific and practical proposals have been developed to improve efficiency in the conditions of the division of labor.

**Key words:** division of labor, principles of labor discipline, rental and collective work, repair work, labor encouragement.

Ҳайдовчиларнинг меҳнатини ташкиллаштириш ўзига хос услублари кейинги пайтларда илмий изланишлар доирасида эътибордан четда қолаётган масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳайдовчиларнинг меҳнатини ташкиллаштириш ўзига хос услублари асосан меҳнатни тақсимлаш ва ҳар хил турдаги (кўринишдаги) жамоавий усулни ташкиллаштиришни ривожлантириш,

касб-корларини кенг миқёсида бирга қўшиб олиб боришдаги муаммолар тадқиқот ишининг долзарблигини янада оширади.

Ҳайдовчиларнинг меҳнатини ҳамкорлаштиришнинг асосий усули бригаавий услуби-ҳаракатдаги таркибдан унумли фойдалана олишига имкон беради. Тезкор раҳбарликни ва ишиюзасидан назоратни таъминлаш даражасини оширади, иш жараёни яхшилайти (иш вақтидан ташқари ишланган вақтга ҳақ тўлаш), корхонада хизмат кўрсатувчиларнинг ишловчилар билан меҳнатдаги ҳамкорлигини (дўстлигини) кенгайтирди.

Автомобил транспортда ижара ва жамоавий иш услуб кенг тарқалган бўлиб, уларнинг афзаллиги қуйидагича ифодаланади:

- автотраспорт ва ишлаб чиқарувчилар хизматининг фойда беришини ошириш;

- хўжалик ҳисоб-китобини (ҳисобини) мустаҳкамлаш ҳайдовчилар меҳнат жамоасини бошқарувини яшилаш;

- бригада меҳнатини охириги натижаси учун жамоавий жавобгарликка шарт-шароит яратиш, қайсиқим ишлаб чиқариш жамоаси аъзолари бир-бири билан ўзаро умумий иқтисодий ва жавобгарлик нуқтаи назари билан узвий боғланган;

- меҳнат коллективлар барқарорлигини, мустақиллигини ошириш;

- ёш ҳайдовчиларнинг ўқуви ва касб маҳоратини оширишга шароит яратиш.

Олимларнинг фикрича “Меҳнат интизоми тўрт жиҳатда ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлади: меҳнат ҳуқуқи тамойилларидан бири сифатида, меҳнат ҳуқуқи мустақил институти сифатида (объектив хусусият), меҳнат ҳуқуқий муносабатлари унсури сифатида (субъектив хусусият), ҳақиқий хулқ-атвори ҳуқуқий баҳолаш сифатида [1,40].

Бригадаларни тузишда асосий муҳим шартлардан бири уларни тўғри шакллантириш ҳисобланади. Бригада пудратини фойдали қўлланишида автомобиллар ҳайдовчилари бригадасини албатта, аниқ кўрсатилган иш объектига (иш жойига) боғлаш зарур. Пудрат бригадаларидаги автомобиллар

миқдори ва ҳайдовчилар сони режалаштирилган юк ташиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўргатилади, автомобиллардан фойдаланишнинг техникавий-ишлатиш кўрсаткичлари хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ишининг ҳолати ва шарт-шароитига кўра ҳисобга олинади, шунингдек ишнинг бажариш муддатига кўра ҳисобга олинади, шунингдек ишнинг бажарилиш муддатлари ҳам эътиборга олинади. Социологик (ижтимоий) текширувлар натижаси тавсиясига кўра ҳайдовчилар бригадасини тузиш асосан кўнгилли тарзда ҳар хил (турли) ёшдаги ходимлар (ишловчилар) ва ҳар хил иш (стажли (иш муддати) ходимлардан бўлмоғи лозим. Бу ўз навбатида бригадада ахлоқий-ишлаб чиқариш иқлимини вужудга келтиради, ўзаро ёрдам ва ўзаро тушунишни дуруст ташкилотларга олиб келади.

Пудрат шартномаси томонларнинг шартномавий мажбуриятларга риоя қилинишига жавобгарликни аниқлайди ва шарт бузилгантақдирда санкция жавобгарликка тортиш бера олади, шунингдек барча томонларнинг имзоланган шартномаси асосида ўзаро ҳисоб китоблар тартибини белгилайди. Ҳайдовчиларга автомобилларни тўда (группа) хуружида (вариант) бириктириш (беркитиш) асослари ва уларга қисқача тавсиялар қуйидаги жадвалда келтирилади (жадвал 1).

**Жадвал 1**

**Ҳайдовчиларга автомобилларни тўда (группа) хуружида (вариант) бириктириш (беркитиш) асослари ва уларга қисқача тавсиялар**

<b>Автомобилларнинг бирикитилиши тизими</b>	<b>Ҳайдовчиларга автомобилларни бириктириш (беркитиш) варианты (гуруҳи)</b>	<b>Гуруҳга (вариант) қисқача тавсия</b>
Битталиқ ёки якка	Бир ҳайдовчига битта автомобил бириктирилган (беркитиш)	Ҳайдовчи ҳар куни 1 сменада ишлайди. Автомобил фақат 1 сменада ишлатилади.
Бир яримталиқ	Учта ҳайдовчига 2 та автомобил бириктирилган	Ҳар бир ҳайдовчи 1 сменада 2 кундан ишлайди. Учтинчикун дам олиш куни. Автомобил бир сменада фойдаланилади, холос.

Иккилантирилган	Иккита ҳайдовчига 1 та автомобил беркитилган ҳар бир учта бригада ҳайдовчиларига - битта алмаштирувчи (подсменция)	Ҳар бир ҳайдовчи ҳар куни ёки эрталабки, ёки кечқурунги сменада ишлайди. Автомобилдан ҳар куни икки сменада фойдаланилади.
Жуфтлик  Икки яримталиқ	Икки ҳайдовчига бир автомобил бириктирилган  Бешта ҳайдовчига иккита автомобил беркитилган	Ҳар бир ҳайдовчи бир сменада 11 соат давомида бир кун кўйиб бир кун ишлайди. Автомобилдан ҳар куни 11 соат фойдаланилади. Ҳар бир ҳайдовчи тўрт кун давомида эрталабки ёки кечки смена (муддат)да ишлайди, бешинчи (5) кун дам олиш куни, ундан сўнг сменалар алмашади. Автомобилда ҳар куни 2 (икки) сменада фойдаланилади.

АТК (автотранспорт корхонаси)даги таъмирловчи ишчиларнинг асосий ишлари қаторига автомобиллар ва уларнинг агрегатларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек эҳтиёж қисмларни тайёрлаш киради. Таъмирловчи ишчиларнинг асосий ва ёрдамчи ишларга бўлиниши АТКнинг техникавий хизмат кўрсатишида марказлашган бошқарув тизимини ва янги кўринишдаги (турдаги) ишчиларни вужудга келтиради.

Меҳнат интизомини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш ишида меҳнат жамоалари ролини ошириш ва уларга берилган ҳуқуқлардан сама рали фойдаланиш муҳим йўналиш бўлиши керак [2, 234 б].

Булар жамловчи (комплектование) слесарлар бўлиб улар ёрдамида ишларни бажарадилар,0 яъни (зарур бўлган асбоб ускуналарни омборхонадан

иш жойига етказиш, тайёр маҳсулотларни техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жойидан омборхонага олиб бориш, автомобил агрегатларини, қисмларини, деталларини таъмирлашга юборишдан аввал (олдин) ювиш ва х.к.) Таъмирловчи ишчиларнинг меҳнатини тақсимлашнинг ва жамлашнинг (кооперация) ифодали аниқ услубини танлашда энг аввало ўрганиш ва чуқур анализ қилиш зарур: ҳар хил технологик ишларни бажарилишини амалга ошириш сафрланган вақт, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш даражаси, технологик жараёнлардаги ҳақиқий сермеҳнатлик.

Бизнинг фикримизча АТК доирасида таъмирлаш ишлари жамоавий ижара пудрати асосида амалга оширилади. Бу борада пудрат асосида тузилган шартнома шунингдек иқтисодий жавобгарликни ортишини (ўсишини) ва ушбу жамоаларнинг қизиқишини, автомобилларнинг бир маромда ишлашини ва уларни иш жойларига муддатида чиқарилишини таъминлайди.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. С.Х.Азизова Меҳнат интизоми тушунчаси, тамойиллари ва рағбатлантирилиши. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2018, 8(116) - 40 б.

2. Маренков Л.И., Алимарина Е.А. «Управление трудовыми ресурсами» Серия высшее образование. Ростов на Дону: из-во «Феникс», 2004 - 234 с.